



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “26 ” mart

Қ-238 -son

Termiz sh.

**Халқ депутатлари вилоят
Кенгашининг 25-сессиясини
чақириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 25-сессияси **2021 йил 29 март куни соат 16:00 да** вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида чақирилсин.

2. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 25-сессияси кун тартибига куйидаги масалалар киритилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли ва 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сонли қарорларига асосан бириктирилган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2021 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида Қизирик ва Узун туманлари сектор раҳбарларининг ҳисоботлари (*Масъул: Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси*).

б) Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг тиббиёт муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан ҳисоботи (*Масъул: Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси*).

в) Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркақлар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг вилоятдаги ижроси ҳақида (*Масъул: Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси*).

г) Халқ депутатлари Денов тумани Кенгашининг 2021 йил 13 январдаги “Денов тумани ҳокимининг айрим қарорларини бекор қилиш тўғрисида”ги 158/30-06-сонли қарорини ўрганиш натижалари (*Масъул: Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси*).

д) Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши котибияти бош мутахассисини тайинлаш (*Масъул: Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти*).

е) Бошқа масалалар.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов